

МАҲМУДЖОН СОДИҚОВ

ЯХШИЛИККА ЙЎЛ ТУТИНГ



ТОШКЕНТ

МАҲМУДЖОН СОДИҚОВ

**ЯХШИЛИККА ЙЎЛ
ТУТИНГ**

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 94 (575.151)
ББК 84 (5Ў)7
С-75

С-75 Маҳмуджон Содиқов. Яхшиликка йўл тутинг.
–Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 144 бет.

ISBN 978–9943–4497–6–3

Қайси бир инсон зоти борки, шу ёруғ дунёга келиб, кўз очиб, улғайиб, вояга етиб борар экан, у ўз олдида маълум мақсад ва вазифаларни қўйиб, уларни амалга ошириш сари тинмай саъй-ҳаракатда бўлади. Айниқса бунда ёш бўғин намояндалари қалби, дилига, шуурига эзгулик уруғини қадаш, энг олижаноб инсоний фазилатларни сингдириб бориш, шу йўл билан уларни буюк келажагимиз бунёдкорлари қилиб тарбиялаш фавқулодда аҳамият касб этади.

Бизнинг мустақил юртимизда юз бераётган ҳайратомуз улуғвор ўзгаришлар силсиласи давомида озод меҳнат кишисининг тафаккури, илмий дунё қаршида ҳам чуқур силжишлар бўй крсатмоқда. Бу эса замондошларимизнинг кучига-куч, қудратига қудрат бағишлаб, уларни юксак марралар сари илҳомлантирмоқда.

Жамиятимизда одамларнинг бир-бирини ҳурматлаш, ўзаро бирлашиб, жипслашиб хайрли ишларга қўл уриш, ўзликни теран англаш, тарих синовларидан ўтган умуминсоний, миллий, маънавий кадриятларни ардоқлаш, уларни ҳозирги турмуш тарзимиз мазмуни ва характериға монанд ривожлантириш – булар бугун ва яқин келажагимизнинг ўткир, долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

Кенг ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган “Яхшиликка йўл тутинг” рисоласи ҳам ўз камровининг кенглиги, ранг-баранглиги, теран фалсафий мазмун, мундарижага эгалиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўйлаймизки, проф. Маҳмуджон Содиқов қаламиға мансуб ушбу рисола китобхонлар қалбидан муносиб ўрин топа олади.

УЎК: 94 (575.151)
ББК 84 (5Ў)7

Масъул муҳаррир: Нишонбой Хусанов – профессор
Такризчилар: Ёқубжон Исҳоқов – филология фанлари
номзоди;
Анвар Юнус – Ўзбекистон ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

ISBN 978–9943–4497–6–3

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

МУҚАДДИМА

Маълумки, миллий мустақиллигимиз шарофати боис хур Ўзбекистон дея аталмиш жонажон юртимиз тарихан қисқа муддат ичида ижтимоий тараққиётнинг беистисно барча соҳаларида мислсиз ўзгаришларга, олға томон силжишларга юз тутди.

Миллий истиқлол халқимизнинг тарихий тақдирида чинакам бурилиш нуқтаси бўлди. У ўз эрки, озодлигини қўлга киритган, ўзлигини теран англаган халқ нималар қилишга, қандай мўъжизалар яратишга қодирлигини амалда рўйи рост исбот этди. Шу билан бирга у юртимизнинг неча минг йилликлар билан бемалол бўйлаша оладиган асрий, бетакрор миллий-маънавий қадриятлари, бетимсол осору атиқаларини, урфу-одат, анъаналарини янгидан рўёбга чиқариб, сайқал бериб, янги маъно, мазмун бағишлаб, уларни жамиятимизнинг бебаҳо маънавий мулкига айлантirdи. Айни чоғда бу янги давр замондошларимизнинг ижодкорлигини, яратувчанлик салоҳияти, ғайратшижоатини жўш урдириб, уларнинг ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида фаол ҳаракатда бўлишларига тўла имкон яратиб берди. Бугунги Ўзбекистонимизнинг нурли, чароғон, ёрқин қиёфасига боқиб, шу нарсага чуқур амин бўламизки, табиатан ижодкор бўлган халқимиз қадим-қадим даврлардан бошлаб жаҳон аҳлини лол қолдирган буюк ўзгаришларни тўхтовсиз давом эттириб, дунё тамаддуни равнақига сезиларли ҳисса қўшиб келган. Бу жараён ҳозирга келиб кўз илғамас миқёслар касб этиб, жаҳон элларини янгидан ҳайратга солмоқда. Айниқса, бунда инсон омилининг ўзига ҳос роли ўрни алоҳидалиги яққол намоён бўлмоқда. Дарҳақиқат, юртимизда жадал кечаётган улкан, кенг кўламли янгиланишларда, туб бурилишларда ҳар бир жамият аъзосининг фаол иштироки ва ҳиссаси айричадир.

Шу боисдан ҳар тарафлама етук, комил инсон шахсини шакллантириш, тарбиялаб вояга етказиш бизнинг демократик

жамиятимизда давлат аҳамиятига молик биринчи даражали долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу шарафли, ўта масъулиятли вазифани ҳал этишга жамиятимизнинг барча интеллектуал кучлари, кўп сонли илғор зиёлилар, маърифат дарғалари жалб этилган. Жўшқин ҳаёт оқими сари шиддат билан кириб келаётган бугунги ёш авлод кишиларини ҳар жихатдан ўқимишли, билимдон, доно шахслар этиб тарбиялай олсаккина келажаги буюк, қудратли давлат барпо этишга, унинг наъшу намосидан тўла қонли баҳраманд бўлишга умид боғлай оламиз. Зеро, бизнинг кенг китобхонлар оммасининг диди ва савиясини ҳисобга олиб яратган “Яхшиликга йўл тутинг” номли рисоламиз ҳам айни шу олижаноб мақсадга мўлжалланган. Сиз, азиз ўқувчиларимиз, ушбу асар саҳифаларини варақлаб, кўздан кечирар экансиз, ўйлаймизки, сизларни қизиқтирган ва тўлқинлантирган кўплаб маънавий-маърифий характердаги масала, муаммоларга дуч келасиз ва улардан ўзингизга керакли, фойдали хулосаю сабоқлар чиқарарсиз, албатта.

ШЕЪРЛАР, ТЎРТЛИКЛАР

Яхшиликка йўлни буринг, азизларим,
Ҳар қадамда Сизга бўлсин таъзимларим.
Юринг юртим теграсида мағрур, озод,
Ҳар бирингиз мисли дарё азимларим.

Юрт ғурури

Қайда бор айтинг, ёронлар, бундаин жаннатмакон юрт,
Аллоҳ ҳам сочганда унга беадад файз, барака, кут.
Аждодлар руҳи, нафаси шод кезар еру фалакда,
Халқимиз чеккан азоблар барчаси бўлди унут.

Ўргилай, хуррам замондан, эркимиз чиқди рўёбга,
Орзу, армонлар ушалиб, елкамиз тегди офтобга.
Кенг жаҳон сахнаси узра бўй чўздик юксак, баландга,
Биз кучган шонли зафарлар ҳеч сиғмас том-том китобга.

Ўзбекистон, хур диёрим, порлаган бир машъалистон,
Ҳар гўшанг нурли чароғон, гуллаган бир баҳористон.
Қанча халқ, элларга маскан беғубор иссиқ кучоғинг,
Таърифинг баён этишга етмагай минг битта дoston.

Шу Ватан фарзандидирман, бу беҳад олий шараф,
Унга дил меҳрини тўккан эрксевар не-не салаф.
Маҳмудо, босган изингда ҳис этгин юрт ғурурин,
Манглайинг ҳар томчисидан яшнасин ҳар ён, тараф.

ХАЛҚИМ

Бугун шод эурсан, халқим, халос бўлдинг аламлардан,
Дилинг пок, юзларинг гулгун, қутулдинг хўп таъналардан.
Бошингдан кечди қай кунлар, кўрдинг кўп ғам, укубатлар,
Шаънингга қилдилар иғво, олиб мўлжал паналардан
Тилингу эътиқодингга отилди қанча ўқ, ёйлар,
Айирмоқ бўлдилар бизни асл урф, анъаналардан.
Сени не кўйга солди беадад ёсуман маълунлар,
Ном-нишон қолмади гоҳо гуллаган боғ, далалардан.
Яшнаган водий, адрларда макон қурдилар қузғунлар,

Кетиб файзу тароватлар сервиқор тоғ, даралардан.
Тарихинг буздилар юлқиб, рад этилди ҳақиқатлар,
Бу йўлда фойдаланиб неча нопок бандалардан.
Букун ўзлигинг кўлда, ҳеч кимдан кам эмассан, халқим,
Ютуғу ғалабангдан дилимда чарх урар фаҳрим.
Бу Маҳмуд очди дил кулфин, юракдан мадҳ этиб бахтинг,
Бошимиз чиқмасин мудом табассум, хандалардан.

Юрт ўғлонлари

Тобланиб, кувватга тўлди, она юрт ўғлонлари,
Очилиб, иқболи кулган доно юрт ўғлонлари.
Истиклол заррин қуёши сочди бош узра зиё,
Парвози юксалди кўкка дўстона юрт ўғлонларин.

Аждодлар руҳи юракда, куч бағишлар беадад,
Салафлар буюк мероси қалбларга далда, мадад.
Баҳраманддир барчасидан минг-миглаб қанча талант,
Қадамлари илдам, мардона юрт ўғлонлари.

Хур замон очди кенг имкон, барқ урди эркин ижод,
Барча ёш қизу йигитлар илҳоми ёзди қанот.
Орзу, армонлар ушалиб, элимиз топди нажот,
Ҳамма вақт халқига содиқ, парвона юрт ўғлонлари.

Ҳар бири ўсмоқда дуркун, хур диёрдан нур эмиб,
Шу муқаддас сарзаминни жонидан ортиқ севиб.
Маҳмуд қилгай оқ ниятлар бу ҳисни дилдан сезиб,
Қадду бастлари одми шарқона юрт ўғлонлари.

Юртим ёш шунқорларига

Тотли умр кечириб яшасанг шояд,
Яхшилик йўлини тутсангда одат.
Карвонга қўшилиб тортсанг эл юкин,
Меҳнат-ла юртингда кучсанг қут, омад.

Майдонга от суриб, қилсангда юриш,
Барчани ром этса шеркелбат туриш.
Чўл бағрин тик кесиб, яратсанг боғ-роғ,
Зафарга айланса сен қўшган улуш.

Алп, арслон йигитдек солсанг наъралар,
Бошингдан сочсалар тилло тангалар.
Номинг жарангласа тилдан-тиллерга,
Шаънингга янграса қўшиқ, яллалар.

Сен буюк юрт ўғли, ғурури баланд,
Яратган бахш этган беназир талант.
Бу Маҳмуд дилида эзгу тилаклар,
Мартабанг юксалсин яна сарбаланд.

Кўзим қароғи (қизим Гулчеҳрага)

Етуклик ёшига қўйибсан қадам,
Бу ёшда ўзлигин англайди одам.
Ҳаётинг бундан-да чарх урсин, қизим,
Кўзингга ҳар доим кенг турсин олам.

Сен дилим қувончи, кўзим қароғи,
Шаънингга сўз айтсам бўлмас адоғи.
Кенжамсан, эркамсан, жоним мадори,
Эзгу тилакларим йўқдир саноғи.

Онанинг-ла ўстирдик баринг эркалаб,
Дуода бўлдик биз ҳар тонг, эрталаб.
Аллоҳдан тиладик умр, бахт, иқбол,
Ёшларинг кутладик дил-дилдан яйраб.

Ҳаётда улғайдинг, ўз йўлинг топиб,
Касбингда моҳирсан, малаканг ошиб.
Нуфузу обрўга эгасан бу кун,
Чарчама, толиқма мўл-кўл йўл босиб.

Ёнингда дилбандинг — қизинг Гуласал,
Мен учун ҳамиша новвоту асал.
Бугун у талаба, мақсадлар улкан,
Ҳали бил, олдингда қанча кўп масал.

Унинг бахт-иқболини кўргин сен албат,
Майлига ҳозирда гар чексанг заҳмат.
Даданг насиҳати будир, жон қизим,
Ўз толеинг яратгин, курашиб ҳар вақт!



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/771> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/771> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/771>